


# ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти. С. ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 сентябрь куни иқтисодий ҳамкорлик буйича Ўзбекистон—Япония ва Япония—Ўзбекистон кўмиталарининг аънавий кўшма мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Япония делегацияси аъзоларининг бир гуруҳини қабул қилди. Улар орасида Япония—Ўзбекистон кўмитаси раиси Казуо Сато, Япония Ташқи савдо ва саноат вазирлигининг МДХ ҳамда Мар-

казий ва Шарқий Европа мамлакатлари буйича бошқармаси директори Шиничи Томанари, шунингдек, Япониянинг иқтисодий-молиявий муассасалари вакиллари бор. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳар томонлама иқтисодий ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганини қайд этар экан, бу борада иқтисодий ҳамкорлик буйича тузилган кўшма кўмиталар, қолаверса ҳар икки мамлакат ишбилармон доираларининг алоҳида ҳис-

саи бор эканини таъкидлади. — Япония ишбилармон доираларининг Ўзбекистонга қизиқиши тобора ошиб бораётди, — деди Ислам Каримов. — Маълумки, яқинда мамлакатимиз Бош вазир Рютаро Хасимото Япония билан қадимий Буюк ипак йўлининг муҳим нуқталаридан бири бўлмиш Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан Ўзбекистон ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш зарур, деб баёнот берган эди. Албатта, бу бежиз эмас. Зеро, узаро

алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш ҳар икки мамлакат учун ҳам бирдек муҳим аҳамиятга эга. Мулоқот чоғида иқтисодий ҳамкорлик буйича Ўзбекистон—Япония ва Япония—Ўзбекистон кўмиталари самарали фаолият кўрсатаётгани, мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ўзининг янги босқичига қадам қўйгани қайд этилди. Учрашувда томонлар Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳар томонлама узаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш, Япония сармоядорларининг мамлакатимизга киритиб қилинган сармоялари ҳажмини ошириш, шунингдек, республикада кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш буйича узаро ҳамкорликни фаоллаштириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашди. Учрашувда Бош вазир У. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари В. Норов, В. Голишев, Бош вазир уринбосари К. Раҳимов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди. Қабул маросимида Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Коичи Обата ҳозир бўлди. (ЎЗА).

## Ватанини севмак иймондандур!

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 23 сентябрь, сешанба № 112 (22.196).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

### ВАТАН ҚАРТАС

Қозғоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Грузия, Россия Федерацияси ва Латвия Куроли Кучлари бўлишларининг НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастури доирасида ўтаётган «Марказий Осиё батальони-97» кўшма машқлари муваффақиятли якуланиди. Бу машқлар 18 сентябрдан 20 сентябргача Ўзбекистон ҳудудида ўтди. Машқларда Дания, Литва, Эстония, Украина ва Туркменистон Куроли Кучлари вакиллари кўзга ташвиқ сифатида иштирок этди.

«Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамияти бош қўмитасидан АҚШнинг «Камминг» фирмаси вакиллари ўрнатилган 92 та кучли 1001-трактор тушди.

Жаҳонда экспорт ва кооперацияга кўмаклашув масалалари бағишланган Ўзбекистон — Германия иқтисодий семинари бўлиб ўтди.

## ЕХХТ ПАРЛАМЕНТ АССАМБЛЕЯСИ КЕНГАЙТИРИЛГАН БЮРОСИНИНГ МАЖЛИСИ ВА «МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА КАВКАЗДА МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК ҲАМДА СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОЙ ВА ГУМАНИТАР МАСАЛАЛАР» СЕМИНАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Барчагизни Тошкентда самимий қутлашга ҳамда анжуманингиз минтақавий тараққиётнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этишга ўзининг амалий ҳиссасини қўшади, деб ишонч билдиришга ижозат эттайсиз.

ЕХХТ қатнашчиси бўлиши Ўзбекистон ана шу ўта бообру халқаро ташкилот фаолиятига алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Биз ЕХХТга жипслаштирувчи тузилма сифатида қараймиз. Бу ташкилотнинг ноёблиги шундаки, унинг барча аъзолари тенг ҳуқуқлиқлар ҳамда улар хавфсизликнинг умумийлиги тамойилига оғишмай амал қиладилар.

XXI асрда хавфсизликнинг янги моделини яратиш гўёси, шунингдек хавфсизлик тушунчасининг ўзини кенгайтириш концепцияси айнан ЕХХТга тегишлидир, бу ҳозир Тошкентда ўтаётган семинар номида ҳам ўз аксини топган.

Анжуманингизда муҳокама этилаётган муаммолар биз учун ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, биргаликда ҳаракат қилиш билангина хавфсиз дунё ва адолатли тинч-тартиботни қарор топтириш мумкинлигини барча англаб етишини таъжуб этмоқда.

Ўзбекистон Европа билан Марказий Осиё интеграциялашувининг фаол тарафдоридир. Биз муштарак сиёсий ва иқтисодий маконимизни мустаҳкамлаб бориб, жаҳон миқёсидаги тараққиёт муаммоларини ҳал этишга ёрдам бермоқдамиз, минтақада ижтимоий ва гуманитар муҳитни яхшилашга кўмаклашмоқдамиз.

Ҳозирги шароитда, XXI аср бўсағасида халқаро сиёсатнинг марказига тобора кўпроқ кириб бораётган Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларининг аҳамияти беқийс ортиб бормоқда. Айни вақтда уларнинг жаҳон коммуналкация алоқаларида ўзига хос, асосий марказ сифатидаги роли кучаймоқда, тинчлик жараёнининг глобаллашувини белгиловчи асосий транспорт, энергетика ва ахборот йўллари мазкур мамлакатлар орқали ўтмоқда.

Марказий Осиё ва Кавказ хавфсизлик, барқарорлик ва илчил тараққиёт минтақалари бўла олади ва шундай бўлиши ҳам керак. Бунга баҳамжиҳат сазъ-ҳаракатлар билангина, жаҳон ҳамжамиятининг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши ёрдамида эришиш мумкин.

Худди шунинг учун ҳам биз хавфсизликнинг умумийлиги асосий тамойилини тўла қўллаб-қувватлаб, Марказий Осиё ва Кавказнинг ўсиб бораётган жўрғоний-стратегик макенини, иқтисодий салоҳиятини, улкан хом ашё ва инсон ресурсларини, шунингдек бу жадал ривожланиб бораётган минтақалардаги хавфсизликка даъватларни инобатга олган ҳолда, ЕХХТ ва унинг асосий тузилмаларининг бу минтақалардаги фаолиятини янада кучайтиришни ёқлаб чиқмоқдамиз.

Сизларнинг анжуманингиз муштарак мақсадга эришиш — барча мамлакатлар ва минтақаларнинг хавфсиз ва барқарор ривожланишига, сайёрамизнинг ҳамма жойида тинчлик ва фаровонлик қарор топишига эришиш йўлида яна бир муҳим қадам бўлиб қолади деб ишонаман.

Анжуман ишига муваффақият ва самара тилайман.

Ислам КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

## АРКИ ОЛИЙ

### У ШАРИФ ШАҲАРНИНГ МЕЪМОРИЙ РАМЗИДИР

аниқлаш эди. Иш осон кечгани йўқ, 20 метрлик шурф турли хил мосламалар асосида мустаҳкамлаиб, кейин қазил ишлари давом эттирилди. Хуллас, изланишлар шуни курсатдики, Арк 2500 йиллар олдин пайдо бўлган. Шундай экан, Бухоронинг ёшидаги тафовут ҳақида гапирмасам ҳам бўлади.

Изланишлар давом этарди. 1990 йилда Арк тепасида Тошкент илмий таъмирлаш институти ходими Е. Г. Некрасова томонидан



қазилма ишлари олиб борилди. Бунда музей археологлари ҳам қатнашишганди. Қазилма жараёнида хонақо атрофидаги ҳужраларнинг пойдеворлари, ҳовли ичкарисида

ги супа, ташнов, тазар, сандал (танга) жойлари, яхсонлар очилди. Амир меҳмонлари яшайдиган бу хонақо ҳужраларидаги сандал, ташнов, яхсонлар Бухоро ўтмишидан сузлаб турарди. Қаранг, бизни саводсиз, қолоқ деб жар солганлар авлодларимиз музени то кеч кузгача кизиларга уралган ҳолда сақлаб билишганини, ёки Арк курғони канализацияси умумий бир тармоққа йиғилиб, шаҳар ташқарисидаги заҳсақабориб етганлигини, хос


ҳаммомдаги қурилиш мажмуи мураккаблигини унинг турт томонидаги гулаҳ (утхона)лари доимий равишда бир хил иссиқлик бериб туришини билишганимиз?

— Юбилей муносабати билан Арк ўз тўлини янгиламоқда чоғи?

— Ҳа, албатта.

Унинг ичкарисидаги тахт жойи ҳовлиси тезкорлик билан таъмирланиб, ўз ҳолига келтирилмоқда. Арк деворлари янгиланяпти. Булар яхши, албатта. Аммо, қадимий қўлвзмалардан бизга маълумки, Аркнинг иккита дарвозаси бўлган: улар «Регистон» ва «Гурийен» деб аталган. Ҳозир Регистон дарвозаси мавжуд, лекин Гурийен дарвозаси эса қумулиб кетган. Бу дарвоза қалъанинг шарқий девори ўртасида жойлашган бўлиб,

## ТАРИХ — ГУВОҲ



БОСҚИНЧИЛИК ҚАҲРАМОНЛИК БУЛОЛМАЙДИ. Абдулгани ЖУМА олган сурат.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ АФҒОНИСТОННИНГ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ЧЕГАРАДОШ ШИМОЛИЙ ҲУДУДИДАГИ СЎНГГИ ВОҚЕАЛАР МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЁНОТИ

Илгари қайд этилганидек, сўнгги вақтда «Толибон» ҳаракатининг қуроли отрядлари ва Афғонистоннинг шимолидаги уларга қарама-қарши кучлар ўртасида шафқатсиз тўқнашувлар бўлмоқда. Бизга етиб келатган маълумотларга қараганда, у ерда кўплаб одамлар ҳалок бўлмоқда, уй-жойлар вайрон қилинмоқда.

Жанговар ҳаракатлар натижасида толиблар Ўзбекистон чегарасига бевосита яқин жойлашган Ҳайратон шаҳрини эгаллади.

Ҳозирги вақтда ҳарбий тўқнашувлар давом этаятган ҳудуд вақти-вақти билан бир-бирига қарши курашаётган томонларнинг қўлидан қўлига ўтиб турибди.

Афғонистон ҳудудида бир-бири билан урушаётган томонлар бир-бирини узаро уққа тутиши натижасида Ўзбекистоннинг чегарадош ҳудудига бир нечта снаряд келиб тушди ва тўрт нафар фуқаро жароҳатланди.

Ўзбекистон чегара қўшинлари республика Мудофаа вазирлиги кучлари ҳамда

маҳаллий ҳокимият билан биргаликда чегарани мустаҳкамлаш, Афғонистон билан чегарадош ҳудудларда осойишталик ва барқарорликни таъминлаш юзасидан зарур чораларни кўрмоқда.

Сўнгги кунларда Ўзбекистон чегарасига бевосита яқин жойда содир бўлган воқеалар Ўзбекистон раҳбариятининг республикамиз ҳудудини кейинги пайтда натижасини билиб

бўлмайдиган қарама-қаршиликлар ва бир-бирига душман кучларнинг жанговар тўқнашувлари бўлиб турган Афғонистоннинг шимолий қисми билан боғловчи Амударё кўпригини ёпиб қўйиш тўғрисида илгари қабул қилган қарори тўғрилигини тасдиқлайди. Биз кўприкни ёпиб қўйиш билан ўз ҳудудимиз хавфсизлигини таъминлабгина қолмай, айни пайтда Ўзбекистон Рес-

публикасининг Афғонистон шимолий ҳудудларидаги қарама-қаршиликка бетарафлиги ва аралашмаслигини ҳам намойиш этди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги шуни таъкидлайдики, Афғонистонда юз бераётган барча воқеалар фақатгина шу мамлакатнинг ички ишидир.

Ўзбекистоннинг Афғонистон можаросини бар-

тариф этиш борасида тутқани йўли узармай қолаверса бу йўл қуйидагилардан иборат:

**Биринчидан**, Афғонистоннинг худудий яхлитлигини сақлаб қолиш.

**Иккинчидан**, можарони ҳал этишнинг ҳарбий усулларидан воз кечиш.

**Учинчидан**, ички ишларга ташқаридан аралашини тўхтатиш.

**Тўртинчидан**, можаро зонасига қурол-яроғ етказиб беришни қатъий таъқиқлаб қўйиш.

**Бешинчидан**, можарога жалб этилган барча асолий кучларнинг кенг вакиллар негизда коалиция ҳукумат тузиш мақсадида босқичма-босқич амалга ошириладиган тинчлик жараёнида иштирок этиши.

**Олтинчидан**, БМТ ҳомийлиги ва Ислам конференцияси ташкилоти иштирокида тинч музокара-

лар жараёнини ўтказиш. Шу мақсадда Афғонистон билан бевосита чегарадош мамлакатлар, АҚШ ва Россия вакиллари ҳамда Афғонистондаги бир-бирига қарши курашаётган кучларнинг вакиллари билан иборат «Мулоқот гуруҳи» тузиш.

Ўзбекистон Республикаси бир-бирига қарши курашаётган томонларни ўзларининг яхши ниятларини намоён этиб, Афғонистон давлатини сақлаб қолиш, Афғонистон халқининг фаровонлиги ва раънақини ўйлаб, мустаҳкам ва узок муддатли тинчлик ўрнатиш мақсадида биродарқушлик урушига хотима беришга даъват этади.

Тошкент, 1997 йил, 22 сентябрь.

### БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Ў Беларуссия Президентининг Александр Лукашенковининг Қозғоғистонга расмий ташриф бўлди. У Қозғоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, республика ҳукумати аъзолари билан учрашди.

Ў Душанбеда миллий келишув комиссиясининг навбатдаги ишчи мажлиси бўлди. Маҳаллий кузатувчилар, муҳокамадаги асосий масалалардан бири бирлашган тожик мухолифати аъзоларини мамлакат ҳукумати тарқибига киритиш бўлди, дейишмоқда. Бирлашган тожик мухолифати (БТМ) раҳбари айтишича, БТМ ҳукуматдаги 18 та вазирлик портфеллидан 6 тасини олиши керак.

Ў АҚШ Президенти Билл Клинтон БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида нутқ сўзлади. Нутқда «Совет уруш» туғганидан кейинги даврда дунёвий жараёларнинг уқанлашуви, терроризм, гайҳанд моддалар савдоси, уюшган жиноятчилик, аммавий қарғин қуроли тарқалишининг олдини олиш каби муаммолар ҳусусида мулоҳазалар билдирилди.

«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 1997 йил 23 сентябрдан бошлаб ҳисоб ва боқхона туловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйилган белгилади. Жумладан:

1 АҚШ доллари 75 сўм  
34 тийин.





